

ЖАЛҚ СЎЗИ

Газета 1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

18 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА

№ 182 (433)

1992 йил

Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕК ХАЛҚИ УЧУН ДОИМО ЖОНДОШ ВА ЕЛКАДОШ БЎЛГАН ТОЖИК ВИРОДАРЛАРИМИЗ ХОНАДОНЛАРИДА ТЕЗРОҚ ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИК ВА БИРЛИК ҚАРОР ТОПИШНИ ОЛЛО-ТАОЛОДАН СЎРАБ ҚОЛАМАН

Ислон КАРИМОВ.

Улардан ҳол-аҳвол сўраш зарур. Лекин қайғу қотиб қолган кўзлар гўёки тилингни тушовлаб ташлагандай. Айни лаҳзаларда уларга иқтисодий кўмак бериш нари турсин, бир оғизгина ширин сўз, ойнинг ёруғ ўн бешти ҳақидаги тасалли кифоя. Лекин наҳот излаётган нигоҳлар еўзларингизни бўғзингдаёқ оғир тошга айлантиради. Уларнинг мушкул аҳволини ёзиш, айтиш билан бировга тушунтириш қийин. Бу алам-зада кишиларнинг дардини фақатгина ўзлари каби киндик қони тўқилган, ҳар бир қаринчи, ҳар бир дарахтоҳ ҳар бир ёшга келган бўлиб кетган ҳовли-жойидан ажралган кишиларгина тушунадилар, ҳолос. Улар тинчгина яшашлари, мева, сабзавот, қовун-тарвуз етиштиришарди, мол боқишарди, ҳеч кимга зийнлари етмасди. Бироқ бемаъни уруш ана шу тинч хонадонларни ҳам қўндириб, кулга айлантирди.

Меҳмонхонанинг тўққизинчи қаватига кўтариламан, ундан ўйинчига, Ҳар икки қават йўлаклари болаларга тўла. Хоналардан бирига руҳат сўраб кираман. Битта бола диванда ухлаб ётибди, энг кичиги онасининг атрофида ўрмалаяпти. Тўртта каттароқлари онаси билан меннинг суҳбатимга қўлоқ солиб туришибди. «Вилоят калсалхонаси қаршисидаги уйларида яшаймиз (у барибир яшардик дея олмади). «Сабзавот» совхозининг Димитров участкасида. «Қишлоқдан қичинлар», деб қўлишди бирдан. Сал олдинроқ қўшни Куйбишев совхозтехникумида шундай дейишгач, одамлар уй-жойларини ташлаб чиқишганди. Ҳалиги

тади, дея қўнмагандилар. Мана энди шу аҳволга тушиб ўтирибмиз». Болаларнинг эғнида уйда кийиб юриладиган ёзги кийимлар. Бошқа ҳеч нарса олишга улгуришмапти. Тўплаган оғина пуллар ҳам, буюмлари ҳам, ҳужжатлар ҳам қўйиб кетибди. «Олтига болангиз омон қўлибди, бойлингиз, давлатингиз шу, бошқаси топилар», дейман. «Шунисиға шукур қилиб ўтирибман», дейди аёл хўрсиниб. Шунча уқубатдан кейин ҳам руҳи бутунлай синмаган, иродаси мустаҳкам ушоққина, қорача ўзбек аёлга бир жиҳатдан қўйиб қоламан. Лекин болаларнинг хавотирли жовдирган кўзлари

рибир анча одам ўлди. Шаҳардаги отишмада ўлганлар орасида ўзбеклар, тожиклар, бошқа миллат одамлари ҳам бор. Кейин бизнинг маҳаллага кириб кела бошлади. Уйларимизга ўт қўйишди... Ҳаммасини айтиб бўлмайди. Айтганимиз билан бирибир тасаввур қилмайсангиз, Фақат Қўрғонга бориб, ўз кўзингиз билан кўрсангиз, ҳамма даҳшатни ҳис қиласиз».

«Ака, айтинг, бир яшар гўдакда нима гуноҳ? — салгина олдин хонага кириб келган ёшгина йигит суҳбатга қўшилади. — Бир яшар болани отиб ташлашди-я! Бу ваҳшийлик эмасми? Мен Димитровда яшайман. Қишлоққа БТРлар кириб келган эмасман ва қочоқлар айбалаётган кишилар фикрини ўрганганим ҳам йўқ... Билмадим, балки жанг вилоти қасалхонасига кириб олган кўлобликлари қўйиб чиқариш учун бўлди-ми, ё бошқа сабабданми? Ҳали албатта унинг сабаблари ўрганилади (ҳамма нарса санинг вақти-соати келади), ҳулосалар ҳам чиқарилади. Мен бу ўринда ҳеч кимни айбалоқчи эмасман. На оппозиция (энди ҳукумат тарафдорлари десам булар верар) тарафидан турган қоратегинликларни, на собиқ Президент тарафдорлари деб аталаётган кўлобликлари. Ҳеч кимни айбалоқчи эмасман, Лекин истасам-истасам, ёндирилган уй

Кўчага ларишон чиқаман. Кичкина тугунларини бағрига босган Ургут маҳалла аёллари меҳмонхона ҳовлисида ўтириб автобус кутишяпти. Энди улар Ургутта (Самарқанднинг Ургутга) бориб узоқ қариндошларини топиб бўлса-да, вақтинча яшаб туришни ўйлашяпти. Ахир, бугунги қиличани қайраб қиш келяпти. Уч-тўрт киши йўлдан кўз узмай туришибди. Битта такси келиб тўхтаганиди, ҳаммалари югуриб кетишди. «Волга»дан мункиллаб қолган қарияни кўтариб туширишди. Менга унинг шол бўлиб ётганлигини, не азобда Қўрғондан олиб келишганини айтишди. Бечора ота, Узоқ умр кўрсин-

ИМОМ ОҒА ХОННИНГ ТАШРИФИ

17 СЕНТЯБРЬ КУНИ ТОШКЕНТГА МУСУЛМОН ШИАЛАР ИМОМИ ОҒА ХОН ЖАНОБЛАРИ КЕЛДИ



У ҳеч қандай динга боғлиқ бўлмаган ва асосан Осиё ва Африка мамлакатларида хайр-саховат фаолияти орқали одамларнинг фаровонлигини оширишга кўмаклашиши лозим бўлган ташкилот — Ога Хон жамғармасининг асосчиси ва раҳбаридир. Ога Хон жаноблари унинг жамғармаси ўтказадиган меъморлар анжуманида қатнашиш ҳамда жамғарма ҳомийлигида бўладиган меъморлар танлови галибларига мукофотларни топшириш учун Ўзбекистонга келди. Шу кунни жаноб Ога Хон Самарқандга жўнаб кетди, у ерда меъморлар анжумани ўтказилди ва танлов галибларига мукофотлар топширилди. (ЎзА).

Қўрғонтепа вилоятдан Хужандга келган қочоқлар дароғини эшитиб, шаҳардаги энг катта «Ленинобод» меҳмонхонасига бордим. Меҳмонхона ҳовлисида бола кўтарган бир жувонни уқраддим. Ҳеч ниманинг мангайини та хўжандлик, кўлоблик ёни қўрғонтепаник деб ёниб қўймаган. Лекин мен унинг синиқ чеҳрасидан қўрғонтепаник қочоқлардан бўлса керак, деган ўйга бордим. Тахминим тўғри чиқди. У ўша томонлардан қочиб келганлигини айтиб, сал нарироқда суҳбатлашиб турган кишиларга ишора қилди: «Ана, хўжайиним ҳам бирга келганлар». Мен бу гапдан ўша билан гапласангиз, ахшироқ бўларди, деган маънони аңлашди. «Уруш бўлди, ҳақиқий уруш бўлди», — дейди ўттиз-ўттиз икки ёшлардаги ўша йиши. — Туни билан отишма бўлди. Қишлоққа БТРлар кириб келиб, одамларни отди. Уйларга ўт қўйишди. Мен мана шу кийимда жонимни, оғламни асраб қочдим». Унинг эғинидаги пиджакка ва ранги унингга кетган эски спорт кийимига қарар эканман, тасаллига сўз излайман. Лекин тилимга бошқача калималар келди: «Сизлар ҳам урушда қатнашдингларми? Кимнинг тарафидан урушдинглар?». «Биз бутунлай бета-раф эдик. Тинчгина меҳнатини қилаётгандик...»



гаплар ўғрилларнинг ҳийласи экан. Улар эгасиз қолган уйларида қўйиб қўйиб, ушларларга қаратилган. Илоҳим, эсон-омон етиб келишсан!» Аёлининг нигоҳи деразага қадалади... Унингидан яна тўққизинчи қаватга тушаман. Бу қаватда Қўрғонтепа шаҳрининг Ургут маҳалласидан қочиб келганлар бор дейишганди. «Кейинги жанжаллар нимадан бошланди ўзи», сўрайман ана шу маҳалладан келган кишилардан. «Митингдан бошланди, — дейди эғнига қавима ялтирот тўн кийган йигит. — Соат ўн бирда бошланган митинг тўрт-бешларгача давом этган. Шу орада қарам-қарши куч одамлари баланд уйлариинг юқори қаватларига жойлашиб олишарди. Отишма бошланди. Олатасини қўриб маҳалла аҳли қочиб тараддулда тушди. Олдиндан хавотирингиз бор учунми, қўлга индиган зарур нарсаларни олишга улгурдик. Лекин ба-

УРИНБОЙ УСМОН — «ХАЛҚ СЎЗИ»НИНГ ТОЖИКИСТОНДАГИ ЎЗ МУХБИРИ

ГўДАКДА НЕ ГУНОҲ?

«Ким билан гаплашсам, олдин ҳаммасиз тинч, ахил яшардик дейпти. Бу жанжаллар нимадан келиб чиқди? «Олдинги йиллар тинч эдик. Лекин шу йил отишма, ўт қўйишлардан илгари ҳам билган ишларини қилишарди. Масалан, бизни ўта молимиз бор эди. Ҳаммасини олиб кетишди. Лом-мим дейлмадик. Қўрғонтепа одамлар яроқ кўтарганларга нима дердик. Биз полдиз эканмиз. Автомат қўтариб келишадиде, истаганларча қовун-тарвуз олиб кетишадиде. Бир сўз деб қўриш-чи!»

Мен Қўрғонтепа вилоти Бохтар (олдинги Қўрғонтепа, кейинроқ Коммунистик) туманининг «Сабзавот» совхозидан Коминтери, Димитров участкалари, вилоти марказининг Ургут маҳалласидан қочиб келган қўлобликлар билан гапладим. Улар айтганларининг ҳаммасини ёзишга қўл бормаиди. Устига воқеани ўз кўзим билан кўр-

лар-у, лекин нариги дунёга болалари тақдирдан хавотир бўлиб кетадиган бўлибдилар-да... Меҳмонхонада эшитганларим узоқ вақт тинчлик бермади. Одамлар, бизга нима бўлипти? Дунё тора-йиб кетаяптими, нима? Ё кўзлар торайди? Нега гоҳ у ёлдан, гоҳ бу ёлдан келадигана битта дастурхон атрофида ўтирган, тўйларда бирга ўйнаб-кулган, қайғули кулларига шерик бўлган одамларни қувийми? Кенга-кенг, торга-тор дунё деган гаплар унут бўп кетди-ми? Қилаётган ишларимизга худонинг қаҳри келмайдими? Гужгон саволлар қийнайдю, бирданга юрагим орқага тортиб кетади. Томлари уланб кетган, юз минглаб одамлар яшаган қадимги шаҳарлар ўрнида қолган бийдай чўллар, тепаликлар кўз олдимни тўсиб олади... Хўжанд шаҳри.

ШАРОФ РАШИДОВ ЖАМҒАРМАСИ КЕЛАЖАККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ш. Р. РАШИДОВ 75 ЙИЛЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК КУРИШ ВА УНИ УТҚАЗИШ БЎЙИЧА ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИНING РАИСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ УРИНБОСАРИ И. Ҳ. ЖЎРАБЕКОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Исмоил Ҳакимович, ўзбек халқининг атоқли фарзандларидан бири, тевқиқи давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидовнинг 75 йиллиги санасига озавақ қоляпти. Республика шаҳар ва қишлоқларининг жуда кўп меҳнат коллективлари, маданият муассасалари юбилейига қизғин тайёргарлик кўришарди. Сиз бошчилиги қилаётган юбилейни ўтказиш ташкилий комиссиясининг ишлари ҳақида сўзлаб берсангиз. — Президент Ислон Абдуганиевич Каримовнинг Ш. Рашидов юбилейини ўтказиш тўғрисидаги қароридан сўнг тузилган ташкилий комиссия мажлисларида бажариладиган ишлар режаси, вилотларда ўтказиладиган тадбирлар муди-

датлари, Ш. Рашидовнинг музейини ташкил қилиш ва номини абадийлаштириш, унинг асарларини ва шунингдек, бу буюк инсон ҳақидаги хотира китобини чоп этиш, бошқа бир қатор масалалар муҳокама қилинди. Дастлабки мажлисда Ш. Рашидов туғилган кунининг 75 йиллигини муносиб нишонлаш хусусида комиссия аъзоларининг Очқи хати эълон қилинди. Шароф Рашидов ўз ижтимоий-сиёсий фаолияти давомида республикамизнинг барча вилотлари, шаҳар ва районларини ривожлантириш ҳақида тин-

май ғамхўрлик қилган. Комиссия номига дээрли барча шаҳар ва районлардан мактублар, шошилинч хабарномалар келиб турибди. Уларда айтилган таклифлар ва фикр-мулоҳазалар комиссия белгилаётган тадбирлар мазмунини кенгайтирмоқда. Меҳнатқилларнинг фикрлари асосида аниқ ишлар режалаштирилдики, булар, менинг назаримда, бутун ўзбек халқи хоҳиш-иродасини ифодалайди. Масалан, музей ташкил этиш, айрим жойлар, тузилмаларга

лаш қандай ҳамкорлик қилганинигиз ҳақида кимки оғуз айтиб беролмайсанми! — Дарвоқе мен Ш. Рашидов раҳбарлиги қилган даврда шаклланган ходимлардан бириман. Лекин сиз берган саволга кимки оғиз гап билан жавоб бериш мушкул вазиба. Шароф Рашидов нафақат Ўзбекистон ёни Урта Осиё, балки бутун Шарққа танилган арбоб эди. Бу ҳақда кўп марта айтилган, ёзилган, юксак миқдорларда туриб тан олинган. Афсуски, 80-йиллар қатарон даврида жонанон Ўзбекистон-

Московдан хабар

ВАТАНДОШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

РОССИЯ Федерациясида Ўзбекистон Республикаси биринчи элчихонаси очилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шу қисқа давр ичида мазкур элчихона раҳбарияти кўп тадбирлар ўтказишга ўтди.

Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан бу ерда ватандошлар билан учрашув бўлиб ўтди. Биргина Москвада ўзбекистонлик ҳисобчиларга қараганда 10 мингдан ортиқ ўзбек ватандошларимиз ишлаб, меҳнат қилмоқдалар.

Ўзбекистон Жумҳуриятининг Россиядаги элчиси Юсуф Абдуллаев элчихона биносига йиғилган олимлар аспирантлар ва студентларни мустақиллик куни билан табриқлади. Шундан сўнг бу ерга келганлар истиқлол байрами билан ватандошларини самимий кутлади. Ватандошларга дил сўзларини билдирганлар орасида шарқшунос оlima Зебо Ғаниева, Ўз-

бекистон халқ депутати, учувчи-космонавт Владимир Жониев бор эдилар. Улар ҳам Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мустақиллик йилида олиб бораётган сўбатини қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон халқи билан доимо бирга эканликларини айтди.

Учрашувда АҚШ сафаридан қайтиб келган ва байрам тантаналарида қатнашган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ҳам сўзга чиқиб, ватандошларини сиз қилдидан кутлади ва уларга ўз ижодидан намуналар ўқиб берди.

Айниқса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ортиқ Отажонов бошчилигидаги санъаткорларнинг куй-қўшиқлари, яллаган ўйинлари барчага кўнгилни шод этди. Улар ўзбек элидан узоқда бўлсалар-да, дилларида Ватан нафасини яйраб ҳис этдилар.

Ф. ПАРПИЕВ.

СУВИ ВА ГАЗЛИ БУЛИШДИ

ЯҚИН-ЯҚИНГАЧА Улуғбек номи давлат хўжалигининг 2-бўлимида тоза ичимлик сув ва оқма газ йўқ бўлиб, бу муаммони ҳал этиш катта жумбоқдек туюлди. Лекин хўжалик раҳбарлари бу ишнинг уддаси-


дан чиқиши. Томендаги санаот корхоналари билан шартнома тўзилиб, мевачева ва сабзавот маҳсулотлари ўрнига қувурлар келтирилди.

М. КАЛОНХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Пойтахт вилоят Зангиота районидagi Акмал Икромов номи жамоа хўжалиги боғроғларида айни пишкочлик. Хўжаликнинг Абдураҳмон Нормухамедов сарқорлик қилган бригадаси боғбонлари ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Улар шаҳар аҳолиси дастурхонга турли ширин-шакер, дармондори мевачевалар етказиб беришда бошқаларга ўрнак бўлишадир.

СУРАТЛАРДА: 1. Олтин куз неъмат. 2. Бригада етакчиси А. Нормухамедов ва тажрибали боғбон А. Султонов ҳосил чўғидан мамнун.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.



ЙЎЛ ЧЕТИДАГИ БЕЛГИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ДАН Бошқармаси қошидаги йўл ҳаракатини тартибга солиш, техникавий восталарни ўрнатиб, фойдаланиш ва жорий қилиш бўйича ихтисослаштирилган монтаж-эксплуатация Бошқармаси ташкил этилганлигига яқинда 20 йил тўлди. Шу му-

носабат билан Бошқарма бошлиғи Шермат Абдуллаев йўл ҳаракатини тартибга солиш бўйича қўйилганларни сўзлаб берди: — Бошқарма 1972 йилда ташкил этилиб, унинг асосий вазифаси йўл ҳаракатини тартибга солиш, техникавий восталарни ўрнатиб, фойдаланиш ва жорий қилиш бўйича ихтисослаштирилган монтаж-эксплуатация Бошқармаси ташкил этилганлигига яқинда 20 йил тўлди. Шу му-

носабат билан Бошқарма бошлиғи Шермат Абдуллаев йўл ҳаракатини тартибга солиш бўйича қўйилганларни сўзлаб берди: — Бошқарма 1972 йилда ташкил этилиб, унинг асосий вазифаси йўл ҳаракатини тартибга солиш, техникавий восталарни ўрнатиб, фойдаланиш ва жорий қилиш бўйича ихтисослаштирилган монтаж-эксплуатация Бошқармаси ташкил этилганлигига яқинда 20 йил тўлди. Шу му-

Бошқарма 170 та светофор мавжуд бўлган бўлса, ҳозир Бошқарма назорати остида республикамиз бўйича 1386 та светофор ишлаб турибди. Шунингдек, 18981 та ҳажмли йўл белгилари, 49734 та нур қайтаргич йўл белгилари қўрилган. Бошқарма ходимлари чет элларда ишлаб чиқилган техникалар асосида ишланса-да, уларнинг меҳнати оғир меҳнат ҳисобланади. Лекин шунга қарамай, уларнинг ойлик маоши 1800—2000 сўмини ташкил этади. Шунинг учун бизнинг олдимизда турган биринчи асосий мақсадимиз ҳозирги иқтисодий танглик шароитида хўжалик ҳисобига ўтиб ишлашдир. Бунга бизнинг имкониятларимиз етарли, деб ўйлайман.

Б. НОРБОВ, В. ЭҒАМБЕРДИЕВ.

ХУШХАБАРЛАР

ИЧИЛАДИГАН СУВНИ БУЛГАМАЙДИЛАР

Навоий вилояти ҳокимлиги Зарафшон дарёсини қўриққонага айлантиришга қарор қилди.

ВИЛОЯТ табиати муҳофазаси қилиш қўмитасининг ташаббуси билан бу қадимий дарёнинг қирғоқ ва ўзгаларни махсус муҳофазатга олинди. Шундай қилинмаса бўлмасди ҳам. Зарафшон қадимдан Навоий муҳофизатга ягона ичмаллик суви манбаи бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай. Аммо сувнинг таркиби нитрат ва нитрит, туз ва нефт маҳсулотлари билан шу даражада фоллолангани, ҳозир у кўпубай ичка касалликларни тарқатадиган манбага айланган.

ЎЗБЕКISTONNING БОШҚА ҚАТОР ВИЛОЯТЛАРИ ХУДУДИДАН ҲАМ ОҚИБ ЎТАДИ. ҲА, СУВ БОШИДАН ТОЗА КЕЛМАСА, ҚУЙДАГИ ҲАРАКАТ БЕҲУДА.

Қўлда гул, қалбада нотихор

Наманган шаҳрида оқат тусига кирган гул байрамнинг бу йилги Ўзбекистоннинг Мустақиллик кунига бағишланди.

ВОБУР номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳеч қачон бу галликдек гавжум бўлмаганди. Шаҳарнинг марказий майдонларига хивонлариди миллий кураш мусобақалари, халқ ёшларини санъаткорлар, ҳаваскор хонандалар, қизиқчоғи ақшчилар, дорбозларнинг чиқишлари байрамга ўзгача фазил киритди. «Гуллар билан янган олам», «Йемининг гули чиройли», «Дил ва гул тароналари», «Наъма гул мадҳи» мавзуларида уюштирилган

тадбирлар томошабинларни мафтун этди. Эрта тондан бошланган байрам тадбирларига шомда яқун ясалиб, голибларга муқофоту совғалар тақдим этилди.

ТОПИШМОҚ: ДУКОНДА ЙЎҚ, ЧАЙҚОВДА БОР

Тошкент тамаки фабрикаси кашандалар хуморини ёшига тайёр, фақат савдо тармоқлари нисофта келса бас.

ФАБРИКА давлат буюртмасини бажараяпти. Масалан, август ойида 350 миллион донадан кўпроқ сигарет ишлаб чиқариш. Биржа корхонаси бўлиши учун маҳсулотнинг 20 фоизини ўз ичтиради олиб қолиб, жумҳуриятнинг ўзида сотишга ҳақ қўлади. Лекин қани ўша сигаретлар? Дуконларнинг пештакларидан нисоз йўқолганига анча бўлди-ю?

Аммо ҳеч нарса нисоз йўқолмайди. Изи кўриш учун эса ақлли «кўз» керак. Бураман деганлар бозору тижорат дуконларига боришсин. Бозорларда, ҳатто, тамаки ҳам кўпайиб кетди.

МУСТАҚИЛЛИК АЖРАЛИШМАС, БИРЛАШИШ, ЖИПСЛАШИШДИР

Халқимиз ўз номини ўзи топиб, ҳалол қилиб егувчи кишини мустақил ҳаётга қодир ҳисоблайди. Жафсон ва меҳнатсевар ўзбек халқи номини ҳалол қилиб еяётгани жаҳонга маълум. Пахтачиси, пиллачиси, гуруччиси, мевачиси, сабзавот ва поллиз маҳсулотларининг ўзинидан ортириб узоқ-яқин элларга ҳам юбораятишимизга далиллар кўп.

Хур республикамизнинг бутун келажиги олдиди. Истиқлол нурли бўлишига шубҳа йўқ. Аммо ҳозирча у чақалоқ, Унинг теганон, сўнгра эса дадил қадамлар ташлаши йўлида кучи, ғайрати, билими ва маҳорати ҳар бир фуқаросининг жолажон бурчидир. Ана шу интиқ қадимизга то қилган ҳолда йўлларга ва меҳнат қилишга интиляланиш. Бирқо ҳали Ватандан, халқдан, давлатимиздан қарамиз кўп. Иجتимоий-иқтисодий ва маънавий жаҳаддаги ўпириниллар ўрни қопланмас экан, ўзимизни хотиржам ва қардан халос ҳисобламиз. Шахсий улумиш ҳақида гапириб мен учун анча ноқулай. Асосий юмш — хўжалигимиз аъзолари анимасида. Улар эса 2 минг 300 нафар. Жамоа гайрати, матонат эвазига колхозимизда кудратли деҳқончилик, чорвачилик ва ишлаб чиқариш базаси вуқудга келтирилган. Деҳқончилик майдонлари 2300 гектардан иборат, фермаимиздаги қорамоллар сони 2000 га етди. Ердамчи корхоналаримизда жами 64 турда халқ истеъмол моллари ва санаот буюмлари ишлаб чиқаришда. Биргина чиннисозлик ва кулолчилик корхонасининг ўзи йилга салькам 3 миллион сўмлик маҳсулот беради. Бу йилги ялпи даромадимиз 150 миллион сўмга етиши мўжзаланимизда. Режадаги даромадининг бир қисми ҳозирнинг ўзидаёқ жамоа аъзолари чўнтағига тушиди. Чу-

Утган бир йил республикамизнинг иқтимоий, сийсий ва иқтисодий жаҳаларда истиқлол томон дадил қадам ташлаши учун ҳамма имкониятлар мавқудлигини намойиш этди. Бизнингча, эндиликда ички имкониятларимизга эмас, истиқлол ва тараққиёт омилли — ташқи ҳақдорлик восталарига ҳам амалда кенг йўл очиб бермоқ зарур. Бизни ажралиши эмас, бирлашиш, жипслашиш туйғули, барқарорлик ва ҳамкорлик алоқаларига чинакам истиқлол ва истиқболга етаклайди.

Юсуббой ҚОҒУЛОВ, Хоразм вилояти Богот районидagi Исақдар Дусов номи жамоа хўжалиги бошқарувиининг раиси.

ҚОВУН САЙЛИ

Қашқадарё вилоятида пахта йигим-терими ва бошқа кузги ишлар олдидан қовун сайли ўтказиш яқин анъанага айланган.

Вилоят маркази Қаршида ўтказилган бу галги қовун сайли — ширин ва танлови мустақиллигимизнинг бир йиллиги шiori остида ўтди.

Унда хўжаликлардан келтирилган 2000 тоннага яқин қовун-тарвуз, сабзавот, дон ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш нархларида аҳолига сотилади.

П. ГАДОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

МУҚОБИЛ ХИЗМАТ ТЎҒРИСИДА

1-модда. Муқобил хизмат тўғрисида Муқобил хизмат — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўтаётган давлат хизматининг алоҳида туридир. Бу хизмат фуқаронинг корхоналарда, муассасаларда, халқ хўжалиги ташкилотларида, юқори малака талаб этилмайдиغان (ердамчи) ишларни ёки ўз малакасига мос ишларни, шу жумладан фалокат, фожиа, табиий офат ва бошқа фақуллода ҳолатларнинг оқибатларини бартараф этишга оид ишларни бажариш билан боғлиқдир. Муқобил хизмат фуқароларини ҳарбий хизматга ўратилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куроли Кучлари учун захирадаги жангчилар тайёрлашни кўзда туттади.

2-модда. Муқобил хизмат тўғрисидаги қонунилар

Муқобил хизмат тўғрисидаги қонунилар ушбу Қонундан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонуни ҳужжатларидан иборатдир.

Муқобил хизматини ўташ тартиби ушбу Қонун билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Муқобил хизматини ташкил этиш ва уни ўташ тартиби тўғрисидаги Низом билан белгиленган.

Муқобил хизматини ўтаётган фуқаролар меҳнат ҳуқуқларини ва вазифаларини амалга ошириш чоғида юзага келувчи муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонунилари билан тартибга солинади.

3-модда. Муқобил хизматини ўташ ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшдан 27 ёшгача бўлган, ҳарбий ҳисоба турадиган, мuddатли ҳарбий хизматга қабул қилиш лозим бўлган фуқаролари, башарти улар: хизматга қабул қилинган шaxсан ташқари 16 йагча тўлмаган турт ва ундан ортиқ боли оқилдан бўлсалар; ҳарбий хизматини ўташ даврида ногирон бўлиб қолган ота-онаси ёки ака-ука (опасингли)лари бўлса; диний таълимоти қурол ишлашига ва Куроли Кучларда хизмат қилишга йўл қўймайдиган рўйхатдан ўтган диний ташкилотларнинг аъзоси бўлсалар, муқобил хизматини ўташ ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муқобил хизматини ўташ ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг ўзга тонфаларини ҳам белгилаши мумкин.

Муқобил хизматини ўтаётган шахслар муқобил хизмат хизматчилари, деб аталадилар.

4-модда. Муқобил хизмат мuddати

Муқобил хизмат мuddати 24 ой, олий маъмулоти фуқаролар учун эса 18 ойдыр.

5-модда. Муқобил хизмат ўтаётган жой

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари муқобил хизматини Ўзбекистон Республикаси корхоналари, муассасалари, халқ хўжалиги таш-

килотларида ўтайдилар. Муқобил хизмат ўтаётганларнинг идораларининг, шундай хизмат қўлланадиган соҳаларнинг ҳамда бажариладиган иш турларининг рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

6-модда. Муқобил хизмат хизматчиларини ўқитиш

Муқобил хизмат хизматчилари ишчи ихтисосини ўргатиш учун халқ таълими тизими, тармоқ вазирликлари ва идоралари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ўқув юрталарига юборилиши мумкин.

Муқобил хизмат хизматчилари Ўзбекистон Республикасининг асосий муқобил хизматчилари ишчи ихтисосини ўргатиш учун халқ таълими тизими, тармоқ вазирликлари ва идоралари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ўқув юрталарига юборилиши мумкин.

Муқобил хизмат хизматчилари Ўзбекистон Республикасининг асосий муқобил хизматчилари ишчи ихтисосини ўргатиш учун халқ таълими тизими, тармоқ вазирликлари ва идоралари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ўқув юрталарига юборилиши мумкин.

Муқобил хизмат хизматчилари Ўзбекистон Республикасининг асосий муқобил хизматчилари ишчи ихтисосини ўргатиш учун халқ таълими тизими, тармоқ вазирликлари ва идоралари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ўқув юрталарига юборилиши мумкин.

Муқобил хизмат хизматчилари Ўзбекистон Республикасининг асосий муқобил хизматчилари ишчи ихтисосини ўргатиш учун халқ таълими тизими, тармоқ вазирликлари ва идоралари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ўқув юрталарига юборилиши мумкин.

Муқобил хизмат хизматчилари Ўзбекистон Республикасининг асосий муқобил хизматчилари ишчи ихтисосини ўргатиш учун халқ таълими тизими, тармоқ вазирликлари ва идоралари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ўқув юрталарига юборилиши мумкин.

Муқобил хизмат хизматчилари Ўзбекистон Республикасининг асосий муқобил хизматчилари ишчи ихтисосини ўргатиш учун халқ таълими тизими, тармоқ вазирликлари ва идоралари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ўқув юрталарига юборилиши мумкин.

Муқобил хизмат хизматчилари Ўзбекистон Республикасининг асосий муқобил хизматчилари ишчи ихтисосини ўргатиш учун халқ таълими тизими, тармоқ вазирликлари ва идоралари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ўқув юрталарига юборилиши мумкин.

ЎЗБЕК ФИЛЬМЛАРИ ФЕСТИВАЛДА ҚАТНАШАДИМИ?

лифнома юборилган бўлса, 15 сентябргача 37 мамлакатдан розилик жавобини олдик, — деди Анвар Омонович. — Фестиваль бошлангунча яна кўп мамлакатлардан жавоб мактублари оламиз, албатта.

Этироф этиш керакки, чет эл киностудияларини, мутахассислар ва кино юлдузларини таклиф этишда анча қийналдик. Сабаби — улар

йиглаиди» фильми орқали ўзбек кино мухлисларига таниш бўлиб қолган Вероника Кастронинг ҳам ташрифи кутилмоқда.

Матбуот конференцияси қатнашчиларнинг кўпчилигини ўзбек фильмларининг фестивалда иштирок эта оlishи масаласи кизиқтирди. Маълум бўлишича, ҳозир фақат «Инсон» киностудиясига қатнашиш ниятида

театрлар асосан ўзбек таржимонлари билан таъминланади. Ҳозир 250 таржимон танлаб олинган, улар ўз вакифларини мукамал бажариш учун тайёрланмоқдалар.

Фестиваль кинофильмларига атаб тайёрланган абонементларнинг нархи ҳозирги иқтисодий аҳволдан келиб чиқиб, бир ҳафтага 120 сўмдан 150 сўмга қилиб белгиланди. Айрим сеанслар эса фахрийлар учун бепул намойиш этилади.

Анжуман давомида кинобозор ишлаб туради. Шу мақсадларда 20 та видеобокс тайёрлаб қўйилди. Бу ерда сотишга мўлжалланган киноленталар намойиш этилади.

Фестивалнинг боришини ёритувчи хорижий ва маҳаллий журналистларга қулайлик ва эркинликлар яратиб бериш чоралари кўриляпти. Улар танловга қўйилган фильмлар намойишига таклиф этилади. Бундан ташқари хоҳлаган гуруҳларга қўшилиб, вилоятларга боришлари мумкин.

Матбуот конференцияси қатнашчилари XI Тошкент кинофестивалининг ҳомийси — маданият ва умуминсоний қадриятлар Халқ академиясининг фестивалга диққат-этибори масаласи билан ҳам қизиқдилар. Бу тақдирот ҳар дамдагидек, ўзининг эзгу мақсадлари йўлида собитқадимлик қилапти. Фестивалнинг дўстона ва ўзаро ҳамжиҳатлик руҳида ўтиши учун керагича маблағ ажратилиши маълум қилмоқда. Халқ академияси раҳбарлари жаҳон кино юлдузлари анжуманида қанча кўп қатнаша шунақа яхши, деган фикрини баён этидилар.

А. ИҶДОШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



жойлашган манзиллар бизга номаълум эди. Бунинг устига ҳали кўп мамлакатларда қайтақончаларимиз йўқ. Ҳаётини қўйиб ортида қолди. Асосий масалалар ҳал бўлди, қолганлари ойдинлашмоқда. Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари алоҳида жиҳозланмоқда. Иштирокчи мамлакатларнинг байроқлари тайёрлаб қўйилди.

Бир қатор жаҳон кино юлдузлари таклиф этилган. Жумладан, «Бойлар ҳам

эканлигини маълум қилган, қолганлари ҳали сукут сақлашмоқда. Умуман, ўзбек фильмларининг қатнашмай қолдиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас экан.

— 65 та мамлакатга так-

ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1992 ЙИЛГИ 12 ФОИЗЛИ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМИ



— 250, 500, 1000 сўм қийматидаги облигациялар 20 йил муддатга чиқарилган.

1000 сўмлик облигация битта сериядаги икки рақамли иккита беш юз сўмлик облигациядан иборат, 250 сўмлик облигация эса беш юз сўмлик облигациянинг ярми ҳисобланади.

Заём облигациялари республика жамғарма банки муассасаларида эркин сотилади ва сотиб олинсади.

Жамғарма банки Сизнинг хоҳишингизга қўра об-

лигацияларни сақлаб бериш учун қабул қилади ва облигациянгизга чиққан ютуқлар тўғрисида Сизни хабардор қилиб боради.

Облигацияларнинг бутлиги давлат томонидан қафолатланади!

Ютуқлар беш юз сўмлик облигацияга заём баҳосини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 250000, 100000, 50000, 25000, 10000, 5000, 2000 сўм миқдорда белгиланган.

2-тираж — 1992 йил 30 сентябрда Урганч шаҳрида,

3-тираж — 1992 йил 30 декабрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади.

1993 йилдан бошлаб ҳар йили навбатдаги тиражлар йилнинг ҳар чорагидаги охири оининг 30-кунида ўтказилади.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

...Ва Сизни Ўзбекистон Республикаси

Жамғарма банки муассасаларида кутамиз!

Йилига 4 — 5 миллион сўм соф фойда олишни хоҳлайсизми?

У ҳолда шипа синиқлари ва чинқиндиларидан шипа буюмлари ишлаб чиқарилган ПЭМ — 108 — 90 электр автоклавини пул ўтказиш йўли билан сотиб олинг.

Шунда турли идишлар, безанли плита, қандал, ветраж каби бошқа маҳсулотлар тайёрлаш имконига эга бўласиз.

— Мослама экологик жиҳатдан тоза ва 3—6 ой мобайнида ўз харажатларини қоплайди.

Автоклавнинг баҳосига қуйидагилар ҳам қиради:
1. Мосламини ташиб келириш.
2. Ўрнатил.
3. Ишга тушириш.
4. Ишчиларни ўқитиш.
5. Шипа майдалайдиган ускуна.
6. Маҳсулот шаклларида намуналар.
Шартнома тузиш масалалари бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй.
Телефон: 32-09-25.

Манзилимиз: 700019, Тошкент шаҳри, Себзор мавзеси, 19-пochта бўлими.
Телефон: 44-32-08.
Факс: 40-26-68.



«Ўз дун робита» Ўзбек-Америка қўшма корхонаси — бу ер қуралини истаган нуқтаси билан бир лаҳзада ишончли алоқа боғлаш демакдир!

Ҳеч нарса уяли радиотелефон ўрнини босолмайди, у Сизнинг энг ишончли ёрдамчингиз бўлади.

Манимиз: 700019, Тошкент шаҳри, Себзор мавзеси, 19-пochта бўлими.
Телефон: 44-32-08.
Факс: 40-26-68.

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

ЎЗБЕКИСТОН Ешлар Иттифоқининг «Еш ватандошлар» анжуманини пойтахтимизда ўтказиш ҳақидаги таклиф республика Вазирилари маҳамаси томонидан қўллаб-қувватланди. 2 — 6 ноябрь кунлари Тошкентда хорижда истиқолат қилаётган кўпгина ёш ватандошларимиз йиғилди. Бу эрда Сўнгра улар Самарқанд, Бу-

хоро, Хива шаҳарларига боришади.
Ҳозирги кунда республикамизда ўтказиш юзасидан кўпгина тadbирлар амалга оширилган. Бу вазири ўринбосари М. Қорабоев раҳбарлигида ташкилий қўмита фаолият кўрсатилган.

Анжуман икрония қўмитаси: тел. 41-03-83, 41-08-50, 41-08-61.
Ташкилларингизни кутамиз.
Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирилик жамоаси Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги қурилиши давлат қўмитасининг раиси Т. Боймирова ўғли
БАҲОДИРЖОННИНГ
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Инсон ва қонун

«ЭЛИМИЗНИ АСРАЙЛИК...»

ДЕЙДИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ПРОКУРОРИ ҲУСЕЙН СОБИРОВ

— Ҳусейн Мавлонович, вилоятда, ахвол мураккаб, дейсиз. Бу, сизнингча, нималарда қўринад?

— Наманганликлар азалдан юмшоқ табиатли халқ. Шунинг учун жиноятчилик бошда вилоятлардагига қараганда бирмунча кам. Аммо сўнгги йилларда собиқ Иттифоқ мамлакатига юз берган ҳокимиятсизлик бутун олис қишлоқлар ҳаётига ҳам салбий таъсир этган.

Россиядаги митингбозлик ишлаб чиқаришни ишдан чиқарди. Таъминот ёмонлашди. Бу бизнинг республика учун айниқса асоратли из қолдирди: нархлар осмонга салчиб кетди. Етишмовчилик орқасидан ўғрилик, ишсизлик орқасидан безорилик соядай эргичи юртини ҳаммага аён. Бу кўргуликлар Наманган ҳам четлаб ўтмаган. Ҳозир иқтисодий тақчиллик, халқ истеъмолчи молларининг етишмовчилиги, аҳолини озиқ-оват маҳсулотлари билан таъминлашни қийинлиги бор гап. Ана шундай шароитда айрим уснур ва номақбул шахслар томонидан вилоят мамлакатини ўзи учун зарур бўлган маҳсулотларни рўхсатсиз четга олиб чиқиб кетишга уриниш ҳоллари ҳам дилчимизни гашламоқда.

— Иккисиз келтириш мумкинми?

— Ўтган олти ойда 736 та ана шундай қонунбузарлик фактлари аниқланди. Булар 1869668 сўмлик полиз, 5618359 сўмлик озиқ-оват маҳсулотлари, 4416128 сўмлик саноат моллари, 695812 сўмлик қурилиш материалларидир. Давлат назорати инспекцияси ходимларининг ҳушёрлиги тўғрисида улар вилоятимизга қайтарилди.

Масалан, фуқаро О. Садовов Уйчи районининг «Сосна» ширкатида раис бўлиб ишлайди. У ҳужжатларни қалбакилаштириб 2,5 миллион сўмлик Ўзбекистон виносини Красноярск шаҳрига олиб кетётганда ушлаган.

Наманган шаҳар «Шалол» фирмасида директор бўлиб ишлаб келган Зайнобиддин Исомидинов ҳам олтирлардан экан. У ўз хизмат вазиридан фойдаланган ҳолда ҳужжатларни қалбакилаштириб 508 минг сўмлик олма навидоли ва шафтоли мураббосини Новосибирск шаҳрига олиб кетётганда тўхтатилди. Шунингдек, фуқаро Н. Насриддинов ҳам 1,195 минг сўмлик жуда кўп миқдордаги мато ва кўрпа кийимларини Кемерово вилоятига олиб кетётганда қўлга олинди.

Бундай иккисизларни қўллаб келтириш мумкин. Ҳозир бу ишлар бўйича вилоят прокуратураси томонидан жиноят ишлари кўзга тилиб, тергов олиб бориюмоқда. Шунга қарамай товар-моддий бойликларни четга олиб чиқиб кети-

лиш ҳолатлари ҳануз давом этмоқда. Бунда айрим мутахассисди, масъул шахслар ҳам раҳаматсиз қилишга тўғри келмоқда. Бундай шахслар чувчарани хом санашибди. Уларнинг нимлиги тўла аниқланиб, тегишли чора кўрилмади, албатта.

Ишлаб чиқариш жараёнлари бузилишининг олдини олиш ҳам бизнинг асосий вазифаларимиздан. Вилоятнинг айрим йирик корхоналарида техник жиҳозларнинг эскирганлиги, хом ашё етишмовчилиги, малакали мутахассислар камлигидан бунақа кўргуликлар кўп. Оқибатда оморларда нархи баланд, боз устига сифатсиз маҳсулотлар тўпланиб қолмоқда. Биргина Поп туманидаги миллий қалиш ишлаб чиқариш заводини олайлик. Бултур ва шу йилнинг ўтган даврида ишлаб чиқилган 349,8 минг жуфт маҳсулотни 123 тегъмолчилар олмаган. Бу 123 минг сўми ташкил этади. Бунинг учун корхонага 154,3 минг сўм жарима солинди. Баъзи раҳбарлар ўз жамоларига қимматбахо чет эл ускуналарини келтириб қўйганлар. Бу вақтида ўрнатиб, ишга туширишга, этибор бермаганлар. Йиққоллар очиқ ҳавода қаровсиз қолмоқда, айрим қисмлари нопок шахслар томонидан ўғриланиб проносиз ҳолатга келмоқда. Ўрнатилмаган жиҳозлар айниқса «Электротерм» ишлаб чиқариш биришмасида, Наманган нон комбинатида, авриш шойи тўқималар ҳамда шойи газламалар ишлаб чиқариш биришмасида, Косоншой шойи тўқим фабрикасида мавжуд.

— Кўп тармоқларда давлат ва жамоат мулкнинг сақланишига хўжасизларча муносабатда бўлиноқда. Бу иттизоннинг издан чиққан оқибати бўлса керак?

— Тўғри. Масалан, биргина молия органларининг тағтиричи томонидан 1991 йилда 268 минг сўмлик пул ва моддий бойликларни талон-торож қилиш, камомад келтириш ҳолатлари аниқланган. Давлат савдоси шохобчаларидаги камомадлар йил бошида 36 минг, матбуот, жамиятлари уюшмаси тармоқларида эса 435 минг сўми ташкил қилди. Шу кунда вилоятда дебитор қарзларнинг миқдори жуда кўпайиб кетганлиги мени ташвишга солмоқда. Унинг келиб чиқиш ва қўпайиб кетиш сабаблари етарли ўрганилмаган. Ҳеч ким бу билан аниқ шуғулланмаган. Биргина менавсабазов саноати биришмаси бўйича дебитор қарз 100 миллион 426 минг сўмга етган.

Вилоятда 50 дан ортиқ турли назорат идоралари, инспекциялари мавжуд. Бир кетидан иккинчиси корхоналарда қўллаб текширувлар ўтказилади, ишга очиндан-

очиқ халақит ҳам беради. Текширув натижалари бўйича маълумотномалар ёзилади, корхона раҳбарларининг ўзига қўрсатмалар тузилади, аммо қонун бузилиши ҳолатларининг сабаблари тўла очилмайди. Ҳужжатлар тегишли тартибда расмийлаштирилиб, ўз вақтида сурштирув ва тергов, прокуратура органларига юборилмайди. Натижада айбдорларга нисбатан қатъий чоралар кўрилмади, ахвол ўзгармай қолмоқда.

Вилоят стандартлаш ва метрология маркази ўз ташаббуси билан вилоят прокуратурасига сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарган корхона раҳбарларига нисбатан 1991 йил давомида биронта ҳам материал бермаган. Нархларни назорат қилувчи бўлимлар эса бошқа йўли учта ҳолат бўйича тергов органларига ҳужжат юборган, холос. Бундай фаолиятсизлик билан вилоятдаги қонунчилик аҳолининг яхшилаш қийинлигини маълум қилди. Бу соҳадаги ва профилактик ишларнинг сустилиги вилоятда қонунчилик аҳолининг яхшилашга салбий таъсир кўрсатмоқда. Жиноятчилик кун сайин ўсиб, шу йилнинг ўтган етти ойи мобайнида 2763 та турли жиноятлар содир этилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 19 фоиз кўпдир.

— Жиноятлар сонини ўсиб кетишининг асосий сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Тайинли ишлаб чиқарган, иккисиз-фойдали меҳнат билан шуғулланмайдиган шахсларнинг мавжудлиги... Бундай шахслар томонидан жиноятлар 32,5 фоизга кўп содир этилган. Энг ташвишлиси шуки, жиноят йўлига қўпроқ усмирлар кириб қолмоқда. Улар содир этган жиноят ўтган йилга нисбатан 18,2 фоизга ошиб кетган. Бу ҳолат жойлардаги юнга етмаганлар билан шуғулланувчи комиссия ва инспекция ходимларининг ўз вазифаларига сомуққонлик билан қарашларининг натижаси ҳамдир.

— Муштарийларга қандай тилаклар билдирансиз?

— Мени бир нарса кўп ўйлантиради. Халқ номидан гапирувчилар кўп, унинг ёнги кирувчилар кам. Қўлоғимга шундай гаплар чалинган эди: «Бирлашшиш учун ажралиш керак». Мана, маълум маънода ажралишнинг ҳам. ХДП, «Эрк» ва яна бошқа партияларга, гуруҳларга... Мустақиллигини қўлга киритган Республикасини оёққа турганиш ҳозирги халқ томонидан саяланган раҳбарият зиммасига тушган экан, бунинг қўллаб-қувватлаб, мустақиллигини мустаҳкамлаш учун бирлашайлик.

Суҳбатдош:
И. РАҲИМЖОНОВ.

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64808. Вуортия Г—197.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раёсати
ва Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Вазирилар маҳкамаси.

Бош муҳаррир Анвар ЖУРАБОВ.
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Карим БАХРИЕВ, Эсирғал БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Зоҳид НОРМУҲАММЕДОВ, Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Қўлаҳмад РИЗАЕВ, Эркин САМАНДАР, Азим СУЮН, Александр ТЮРИКОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Александр УЛИЧНИН (масъул котиб, «Народное слово»), Мухтарам УЛУҒОВА (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Рамиз ФАРҲОДИЙ, Шавкат ЯҲЕЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Саидхорр ГуЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Ленинград кўчаси, 19-уй.

● Таҳририятга ҳажим 7 қоғоздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга эъза жавоб қайтарилмайди.